

**“Транспорт илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ директорининг
2023 йилда амалга оширилган ишлар тўғрисида
Ҳ И С О Б О Т И**

Ўзбекистон Республикасида автомобиль транспортида техник сиёсатнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш;

Иссиқ иқлим шароитида автотранспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш услубларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси шароитида **СПГ-3**, турдаги газбаллонларидан фойдаланишнинг илмий асослари.

Марказда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар доирасида Транспортда илмий-тадқиқотлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Саидумаров Алишер Равшанович техника фанлари бўйича фалсафа доктори (**PhD**) илмий даражасини олиш учун “Юк автомобилларининг ёнилғи сарфини атроф-муҳитнинг юқори ҳароратида аниқлаш усулини такомиллаштириш” мавзусида диссертация ишини ҳимоя қилди.

Хўжалик шартномалари доирасида корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Жумладан, “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти билан “Разработка нормативного документа *(взамен отмененного нормативного документа Ўз РҲ 88.20-01:2003 согласно постановления агентства «Узстандарт» за №05-804 от 13.12.2016 года)* определяющий порядок списания и нормирования расхода топлива при эксплуатации автомобильного и подвижного состава и строительно-дорожных машин и согласование его с соответствующими органами” мавзусидаги ишларни бажариш учун **2022 йил 31 август**да **19/2022-ТР**-сонли шартнома тузилган.

Ҳозирда НКМК тасарруфидаги автотранспорт воситалари ва йўл-қурилиш техникалари учун ёқилғи сарфи меъёрларини ўрнатиш бўйича хужжат лойиҳаси тайёрланиб НКМК қошидаги транспорт бошқармалари билан келишилмоқда. Ҳозирги кунда тарафларнинг имзоланган хужжатларига асосан шартнома бўйича бажарилган ишларнинг умумий ҳажми **85 фоиз**ни ташкил қилади.

Шунингдек, марказ томонидан қуйида келтирилган мавзулар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда:

Жамоат транспортида йўловчиларни ташишни амалга оширишда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш Минимал транспорт стандартини жорий қилиш;

Давлат даражасида транспорт соҳасида аудит тизимини жорий қилиш;

Атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигига автотранспорт воситаларининг шовқин даражаси таъсирини камайтириш;

Автомобиль транспорти ва йўл инфратузилмаси соҳасида комплекс интеллектуал транспорт тизимларини жорий қилиш бўйича тартиб ишлаб чиқиш.

I. Соҳадаги асосий кўрсаткичлар бажарилиши ва йил якуни билан кутилиши:

2023 йил якунига қадар лабораториялар томонидан қўйидаги ишлар амалга оширилди:

Лаборатория номи	Корхона ва ташкилолар	2023 йилда хизмат кўрсатилган корхоналар сони				Умумий шартнома лар сони
		I	II	III	IV	Жами
1- Лаборатория (Босиб ўтилган йўл масофасини ўлчаш)	Автобус саройи	0	8	0	8	16
	Хусусий корхона	0	0	2	2	4
2- Лаборатория (Ёқилғи сарфи меъёрларини белгилаш)	Корхона ва ташкилотлар	13	16	7	24	60
3- Лаборатория (СПС лабораторияси)	Корхона ва ташкилотлар	6	7	15	3	31
4- Лаборатория (Чип карта)	Корхона, ташкилотлар ва жис.шахслар	3945	3208	2956	2448	12557

Марказ ҳамда Руминиянинг **“S.C.Certsign S.A.”** компанияси ўртасидаги **2022 йил 26 августда** тузилган 45/B77E/22152C-сонли шартномага мувофиқ Марказ томонидан рақамли тахографларда фойдаланиладиган карточкалар учун **2023 йил** январь-декабрь ҳолатига жами **12557 та** карточкага буюртма берилган бўлиб, жорий йил мобайнида жами **12 207 та** карточкалар қабул қилинган.

II. Соҳа фаолиятини рақамлаштириш:

Бугунги кунда **“Транспорт илмий-тадқиқот маркази”** МЧЖнинг замонавий дизайнга эга расмий веб-сайтини такомиллаштирилган тарзда ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур веб-сайтда, марказ фаолияти тўғрисидаги умумий маълумотлар, янгиликлар, ташкилий тузилма, очиқ маълумотлар, бўш иш ўринлари, марказ билан боғланиш имконияти ва энг асосийси марказ иш фаолияти билан боғлиқ барча хизмат турлари ҳамда маълумотларни шаффоф тизим орқали кўриб бориш имконияти яратилмоқда.

Жорий йил давомида Марказнинг замонавий дизайнга эга расмий веб-сайти (<https://www.titm.uz/>) синов тариқасида ишга туширилди ва **“UNICON SOFT” МЧЖ** билан 14 та фойдаланувчи қўшиш учун қўшимча шартнома имзоланди ва марказ ходимларига **EDO.IJRO.UZ** платформаси

жорий қилинди ва **HUMO мессенжери** марказнинг барча ходимларига улаб берилди.

СПС гувоҳномалари реестри электрон тизимга ўтказилиб, Транспорт вазирлигининг расмий **веб-сайти** билан интеграция қилинди.

Бунда гувоҳноманинг устидаги махсус **QR код** орқали Транспорт вазирлигининг **веб-сайтида** гувоҳнома ҳақиқийлигини текшириш имконияти яратилди.

Марказ томонидан тез бузиладиган юкларни ташиш учун мўлжалланган ҳар бир автотранспорт воситаларига **СПСга мувофиқ СПС гувоҳнома**сини бериш фаолиятини амалга ошириш билан чекланиб қолмай, гувоҳнома имкониятларини такомиллаштириш ва шаффофлаштириш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Талабгор томонидан **СПС гувоҳномасини** олишда, гувоҳнома ичига махсус **QR код** жойлаштирилди. **QR код**ни сканер қилиш орқали Транспорт вазирлиги расмий **ВЕБ сайтига** ўтилиб **СПС гувоҳнома** бўлимидан мазкур **QR кодга** тегишли **СПС гувоҳномасини** онлайн тарзда исталган вақтда юклаб олиш имконияти яратилди.

Шунингдек, **“Транспорт илмий-тадқиқот маркази” мобил иловаси** ишлаб чиқилмоқда.

Марказнинг замонавий дизайнга эга **ТІТМ мобил иловаси** учун фойдаланувчиларни биометрик идентификациядан ўтказиш учун **UZINFOCOM МЧЖ** томонидан ишлаб чиқилган **MyID платформаси** билан интеграция масалалари ижобий ҳал этилди. Шунингдек, фойдаланувчиларнинг автомобилларни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси ҳақиқийлигини текшириш мақсадида **“Идоралараро интеграллашув платформаси”** билан интеграция қилинди ва **“BEST INTERNET SOLUTIONS” МЧЖ** томонидан ишлаб чиқилган **ESKIZ платформасида смс хабарномаларни** юбориш хизмати бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Ташкилотнинг мобил **ТІТМ мобил иловасини**, бошқарув (админ) панелининг техник топшириғини киберхавфсизлик марказига экспертиза текшируви учун юборилди.

Мобил илова жисмоний ва юридик шахсларга йўловчи ҳамда юк ташиш фаолияти билан шуғулланишида интерактив хизматлар кўрсатади.

Мобил илованинг имкониятлари қуйидагилар: илмий тадқиқот ишлари, масофа ўлчаш хизмати, ёқилғи-мой ўлчаш хизмати, транспорт соҳасида норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш, тажриба синов ишлари, лойиҳалаш ишларини олиб бориш, рақамли назорат қурилмалари карточкаларини олиш учун ариза топшириш ва бошқа турдаги хизматлар.

2024 йил мобайнида марказнинг тест режимида ишлаётган замонавий дизайнга эга расмий веб-сайтини тўлиқ режимда фойдаланувчиларга тақдим этиш ва мунтазам равишда маълумотлар билан бойитиш, янги бўлимлар қўшиш ҳамда такомиллаштириб бориш;

Марказнинг тест режимида ишлаётган **ТИТМ мобил иловаси 2024 йил** мобайнида фойдаланувчилар учун тўлиқ режимда тақдим этиш, ташкилот томонидан кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштириш ва **ТИТМ мобил иловаси**да жорий этиш, ва мунтазам равишда фойдаланувчиларнинг талаб ва таклифларини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштириб бориш.

IV. Амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар:

Рақамлаштириш соҳасида, Марказнинг замонавий дизайнга эга **ТИТМ мобил иловаси** ҳамда бошқарув админ панелида рақамли назорат қурилмалари карточкалари учун аризаларни **онлайн** топшириш ва қабул қилиш тизимини ишга тушириш режалаштирилган.

V. Соҳадаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар.

Ўтган йиллар таҳлилидан келиб чиқиб **2024 йил**да Марказ томонидан қуйидаги вазифаларни янада ривожлантириш орқали асосий фаолият самарадорлигини ошириш режалаштирилган, жумладан:

№	Лойиҳа номи	Талаб этилаётган маблағ	Молиялаштириш манбаи
1.	Йўловчиларни автомобиль транспортида ташишда аҳолига транспорт хизматлари кўрсатишнинг ижтимоий стандартини ишлаб чиқиш.	609 127 690,7	Транспорт вазирлиги
2.	Ўзбекистонда интеллектуал транспорт тизимини ривожлантириш <i>(кейинги ўринларда ИТС деб юритилади)</i> .	614 886 907,36	Транспорт вазирлиги
3.	Транспорт шовқинини инсон саломатлигига таъсирини мониторинг қилиш ва камайтириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	294 614 197,29	Транспорт вазирлиги
4.	Республикада йўл ҳаракати хавфсизлиги, жамоат транспорти ва транспорт корхоналарида аудитни амалга ошириш бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш.	464 225 073,09	Транспорт вазирлиги

“Транспорт илмий тадқиқот маркази” МЧЖ билан Руминиянинг **“S.C.Certsign S.A.”** компанияси ўртасида **2022 йил 26 август**да тузилган **45/B77Э/22152С-сон**ли шартномага кўра рақамли тахографларда фойдаланиладиган карточкалар учун жисмоний ва юридик шахслардан аризаларни тегишли ҳужжатлари илова қилинган ҳолда амалдаги анъанавий тарзда қабул қилиш билан бирга онлайн қабул қилиш тизимига ўтиш;

Буюртма қилинган карточкаларнинг электрон реестрини юритишни давом эттириш;

Марказ лабораторияси **2024 йил**да корхона фаолиятини яхшилаш ва фаолият турини амалга ошириш мақсадида, “Тахографни таъмирлаш созлаш ва калибрлаш йўналиши”ни ташкил қилиш, бунда, **ОПТИМО 2** планшет қурилмасини харид қилиш ва мазкур лаборатория йўналишини **2024 йилнинг II чорак** якунларига қадар ишга тушириш режалаштирилган.

Шунингдек, Транспортда тажриба-синов ва сертификациялаштириш лабораториясида “**СПГ 3** турдаги газбаллонларни синовдан ўтказиш” йўналишини очишни ташкиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда, **СПС лаборатория** фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, Тошкент вилояти, Занги ота туманида “**Магистраль Диезел сервис**” **МЧЖ**га тегишли бино худудини ижарага олиш (шартнома) ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур белгиланган вазифаларни жорий йилнинг **I чорак** якунларига қадар якунлаш ҳамда **СПС лаборатория** фаолиятини тўлиқ қувватларда ишга тушириш режалаштирилган.